

ШАРТНОМА № 6

28 апрель 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама ҳужалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими (келгуси матнларда «Харидор» деб юритилади) низомга асосан фаолият юритувчи номидан раҳбари О.Зияева бир томондан, «KARAVAN ZEROMAX» МЧЖ (келгуси матнларда «Сотувчи» деб юритилади) номидан раҳбари Ш.Аслиддинов иккинчи томондан куйидаги мазмунда ушбу шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

Т/р	Товарларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Хужалик совуни	ШТ	8232	4400	36220800
2	Кир ювиш кукуни	ШТ	13720	2900	39788000
3	Идиш учун гель	ШТ	1029	3900	4013100
	Ж а м и:				80021900

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **80021900 (Саксон миллион йигирма бир минг тўққиз юз сўми ККС сиз ташкил қилади)**

(ракамлар, ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан 30 фоиз, махсулот етказиб берилганидан сунг 70 % микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарли 20 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериш шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган холда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Махсулотлар бозор ва интернетдаги нархларга асосланган холда етказиб берилади. Ўтказилган тафтиш натижасида назорат қилувчи органлар томонидан нархлар юқсри деб топилса фарқ сумма сотувчи томонидан қопланади.

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган холда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни кабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблаги булган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда оўтлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 20 % миқдорда жарима тулайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % миқдорда «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Етказиб берувчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура ва енгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Ҳавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни 1,5 кун ичида огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган қуч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмаса иқтисодий суд ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 31.12.2022 йилгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлинмасида руйхатдан утказилганидан сунг қонуний қучга қиради.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ХАРИДОР»

«СОТУВЧИ»

Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими

Манзил: Бағдод шаҳарчаси Орзу кўчаси
Х/Р: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент ШББ
МФО: 00014

ИНН: 305 153 881

ШХР: 100022860302097091100251038

ОКОНХ:

Рахбар: _____

О.Зияева

«KARAVAN ZEROMAX» МҲЖ

Манзил: Бағдод тумани Ирғоли қишлоғи

Х/Р: 2020800920536045400Т

Банк: Капитал банк Кўкон филиали

МФО: 01087

СТИР: 308 297 186

Тел: _____

Рахбар: _____

Ш.Аслиддинов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihsning turi – Shartnoma.

2. Loyihsning nomi – “KARAVAN ZEROMAX” MCHJdan Bag`dod tumani Maktabgacha ta`lim bo`limiga 80.021.900 so`mlik xo`jalik sovuni, kir yuvish kukunlari etkazib berish to`g`risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma`lumot - Bag`dod tumani Maktabgacha ta`lim bo`limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 - yil 28- aprel kuni taqdim etilgan.

Loyiha O`zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo`jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to`g`risida"gi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag`dod tuman yuridik xizmat
ko`rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



E.Botirov